



«ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!»

Фракция муҳокамаси

Муносабат

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ:
МАСЪУЛИЯТ КУЧАЙИШИ КЕРАК

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси Давлат бюджетининг 2012 йилдаги ва 2013 йилнинг биринчи

чорагидаги ижросини қўриб чиқди. Масала юзасидан Молия вазирининг ўринбосари Мубин Мирзаев ҳисобот берди.

Жаҳонда молиявий-

иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамай, 2012 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсиши ва макроиқтисодий барқарорлик таъминланди. Фракция Бюджет ижроси муҳокамасида бу масалага алоҳида эътибор қаратди.

(Давоми иккинчи бетда.)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш ва қишлоқ аҳоли пунктларида замонавий ижтимоий инфратузилмани яратиш бўйича мамлакатда амалга оширилаётган ишларни кенгайтириш, буни аҳоли бандлигини оширишга қаратилган чоралар билан уйғун олиб бориш муҳим, деб ҳисоблайди.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Мамлакатимиз аҳолиси турмуш сифатини оширишда замонавий уй-жой қурилиши, қишлоқлар қиёфасининг ўзгариши ва ривожланиши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

ҚИШЛОҚЛАРДАГИ
БУНЁДКОРЛИКЛАР

ҳудудларнинг комплекс ривожланишига хизмат қилади

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш ва обод қилиш бўйича давлат дастури амалга оширилиши кишиларимизнинг ҳаёт тарзи, дунёқарашини тубдан ўзгартирапти.

Кейинги йилларда қишлоқ аҳоли пунктларининг замонавий меъморчилиги ва инфратузилмаси ҳудудларимиз муваффақиятли ривожланишининг асосий меъзонларидан бирига ай-

ланди. Кўпчилик мутахассис ва таҳлилчилар ҳудудларнинг бундан буён комплекс ривожланиши инсон ресурслари ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг ўзаро мувофиқ тақсимланишига боғлиқ, деган ҳулосани илгартирмоқда. Бу эса саноат ва хизмат кўрсатиш жабҳалари ривожланиши, замонавий шаҳарчалар бунёд этилишига шароит яратди.

(Давоми 2-бетда.)

Диққат, танлов!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гуруҳ-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб ўтказадиган «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловига таклиф этади.

2-бет

Инсон қачон ўзини бахтли ҳис этади? Одамлар қачон барча орзу-умидларига эришиш имконига эга бўлади? Қачон фарзандлари тақдир хавотирга солмайди кишиларни? Қачонки, юрт тинч ва осойишта бўлса, қадр-қиммат улуғланса, инсон ҳуқуқини таъминлаш олий қадриятга айланса, ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаати учун амалга оширилса...

БАРЧА ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ
ҲАЁТБАХШ МАНБАИ

Бундан йигирма икки йил аввал халқимизнинг асрлар давомида қалбда сақланиб келётган тарихий орзуси амалга ошди. Ватанимиз мустақил бўлди, халқимиз қарамликдан қўтилди, бизга озод ва обод, эркин ва фаровон мамлакатда яшаш ҳамда уни фарзандларимизга қолдириш бахти nasib этди.

Бу осонлик билан бўлгани йўқ, албатта. Бу бахт халқимизнинг қанча уқубати, меҳнат ва заҳмати, тинимсиз курашлар эвазига қўлга киритилди. Шунинг учун ҳам Мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз айём ҳисобланади.

Мана, орадан йигирма икки йил ўтди. Бу давр ҳам халқимиз учун осон кечмади. Мустақиллигимизни асраш ва мустақамлаш, тинчлик ва осойишталигимизни ҳимоя қилиш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш учун ҳар куни курашмоқдамиз. Шунинг эвазига бугун тинчлигимиз барқарор, ҳаётимиз кундан-кун ўзгариб, янгилашиб бораёпти.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг мустақам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонгани таъкидланди.

Қарорда Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини юксак савияда, катта тантана, шоду хуррамлик билан муносиб тарзда нишонлаш бўйича

ча аниқ йўналишлар белгилаб берилди.

Мустақиллик байрами пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган ғоя асосида кенг нишонланади.

Бу байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида фаол иштирок этиш партияимиз ташкилотлари ва барча даражадаги депутатлардан ҳам катта масъулият талаб этади. Халқимиз орасида, партия электорати ўртасида ўтган давр мобайнида Ватанимиз босиб ўтган йўлни, амалга оширилган тарихий ишларни ҳолисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга аввало қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимиз ҳақида суҳбатлар уюштиришимиз, тарғибот ишларини тизимли олиб боришимиз зарур.

Энг муҳими, бугунги кунларга етиш осон бўлмагани, айти пайтда рўй бераётган ўзгаришларни ҳаётимиз мисоллар, ўзимиз, оиламиз тақдир, фарзандларимиз эришяётган муваффақиятлар мисолида чуқур очиб беришдир.

Бугунги осойишта ҳаётимиз, тинчлигимиз, тўқин рўзгоримиз... Буларнинг барчаси мустақиллик туфайлидир. Уни кенг тарғиб қилиб, халқимизни янги марралар сари илҳомлантириш, мустақиллик ғояси атрофида янада жиқлаштириш ҳар доим энг муҳим вазифаларимиздан бўлиб қолаверади.

Саттор РАҲМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

ОБОД ТОШКЕНТНИНГ
ОБОД МАҲАЛЛАЛАРИ

Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Собиржон Саидов иш столидаги лойиҳалар билан бирин-кетин таништириш бошлайди.

— Мана булар болалар ўйин майдончалари ва спорт майдонларининг замонавий лойиҳалари. Улар бизнинг иқлим шароитимиз, аҳоли талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Мана бу эса автомобилотранспортлар сақлаш қурилмалари. Уларнинг ҳам бир неча хил лойиҳаларини таклиф қилганмиз. Очик ва ёпиқ ҳолда қуриш мумкин. Ҳар бир маҳалла имкониятларидан,



шароитларидан келиб чиққан ҳолда улардан бирини танлаш мумкин.

3-бет



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ: МАСЪУЛИЯТ КУЧАЙИШИ КЕРАК



Маълумотларга кўра, 2012 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсиши 8,2 фоизни ташкил этган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,7, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7,0, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш 13,9 фоизга ўсган. Инфляция даражаси белгиланган прогноз кўрсаткичидан ошмаган.

2013 йилнинг биринчи чорагида ҳам мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатлари таъминланди. Хусусан, ялпи ички маҳсулот 7,5, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 6,0, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2, қурилиш пудрат ишлари ҳажми ўсиши 13,2 фоизни ташкил этди.

2012 йилда хизмат кўрсатиш соҳаси янада ривожланди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб 15 фоизга ўсиб, соҳанинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши 52 фоиздан зиёдни ташкил этди.

— Амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар самараси ўлароқ, 2012 йилда мамлакатда қарийб 1 миллионга яқин янги иш ўрни

(Давоми. Боши 1-бетда.)

яратилди, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси аъзоси Искандар Азизов**. — Уларнинг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларда очилди. Хусусан, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик ривожланиши натижасида 485 минг киши, касаначиликнинг барча шакллари кенгайиши ҳисобидан 218 минг киши иш билан таъминланган.

2013 йилнинг биринчи чорагида республика бўйича 250,4 минг янги иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 150 мингдан ортиги ёки 60,0 фоизи қишлоқ жойлари ҳиссасига тўғри келади.

2012 йилда Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси даромадлари 34,6 миллиард сўмни, харажатлари эса 34,1 миллиард сўмни ташкил этган. Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳисобот даврида ишчиларни қайта тайёрлаш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш ва ишсизлик нафақаси тўловлари учун 1,2 миллиард сўм сарфланган.

2012 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш Давлат бюджети харажатларининг 58,9 фоизидан зиёди (ялпи

ички маҳсулотга нисбатан 12,7 фоиз)ни ташкил этган бўлиб, 2013 йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич янада ошган, яъни 59,2 фоиз (ялпи ички маҳсулотга нисбатан 14,8 фоиз)га етган.

Фракция аъзолари таъкидладики, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттақил ошириб бориш масалаларига доимий эътибор берилаётгани кучли ижтимоий сиёсат изчиллигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Жум-

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

ҚИШЛОҚЛАРДАГИ БУНЁДКОРЛИКЛАР

ҳудудларнинг комплекс ривожланишига хизмат қилади



Анвар БОЙҚУЛОВ,

Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати,
ЎзХДП фракцияси
аъзоси.

Фақатгина кейинги тўрт йил ичида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида 650 та янги турар-жой массиви вужудга келди. Уларда шароити шаҳардиган асло қилишмайдиган 24 мингга яқин (3,2 миллион) квадрат метр майдонда) қурилди. Массивларда бориладиган раво йўллар барпо этилди, хонадонлар иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик ҳамда электр энергияси билан таъминланди.

Қишлоқ жойларда янги уй-жой массивлари қурилиши натижасида кўп-кўп оилаларнинг замонавий, барча қулайликларга эга бўлган уй ҳақидаги орзуи ушалди. Ун минглаб ватандошларимизнинг ҳам яшаш сифати, ҳам тафаккур тарзи тубдан ўзгарди. Одамлар борган сари обод, гўзал жойлар, муносиб шaroитларда яшашга интиломоқда.

Обод турмуш йили муносабати билан мамлакатда кенг қамровли Давлат дастури амалга оширилмоқда. У катта ва чуқур мақсад-вазифаларни ўз ичига олган.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Халқимиз ҳаёти даражасини ошириш, муносиб турмуш шарoитларини яратиш, янги уй-жойлар қуриш, замонавий йўл ва муҳандислик коммуникация инфра-тузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини кафолатланган равишда тоза ичимлик суви, электр, иссиқлик энергияси билан таъминлаш бўйича аниқ чоралар кўзда тутилган.

Мазкур дастур асосида бу йил ҳудудларда 353 та қишлоқ массиви, намунавий лойиҳалар бўйича 10 мингга яқка тартибдаги уй-жой қурилиши кўзда тутилган. Бунинг учун жорий йилда 1,4 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Сарфланадиган маблағ ўтган йилга таққослаганда 54 фоиз кўндр. Бу эса мазкур соҳага эътибор йилдан-йилга ошиб бораётганини кўрсатади.

Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши бир вақтнинг ўзида инфра-тузилмани ҳам ривожлантириш, яъни мини-банк, дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мактаб, тиббиёт муассасалари, спорт майдончалари бунёд этили-

шини кўзда тутган ҳолда комплекс равишда амалга оширилмоқда. Шубҳасиз, бу ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий эттиришда муҳим ҳаёт-ий аҳамиятга эгадир.

ЎзХДП электрoрати ман-фаатларидан келиб чи-қиб, халқ депутатлари ма-ҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз янги массивларда оила-вий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис со-ҳасини ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватла-рини ишга тушириш бў-йича ҳаётий тақдирлар билан чиқиши, уларни амалга ошириш учун кат-тия кўрсатиши зарур.

Умуман олганда, маҳал-лий ресурслар ва инфра-тузилмани ҳисобга олган ҳолда, аниқ инвестиция дас-турларини ишқилантириш бўйича янги имкониятлар очилмоқда. Қишлоқ жойла-ридаги шаҳарчаларни иж-тимоий-иқтисодий ривож-лантириш истиқболларини белгилаб, режа ишлаб чи-қиш, уларни вилoятларни ривожлантириш режа ва дастурлари билан боғлиқ ҳолда тақомиллаштириш, бунинг учун тегишли ахбор-от базасини шаклланти-риш муҳимдир.

Қайд этиш керакки, уй-жой қурилишнинг қонунчи-лик асоси, жумладан, намуна-лий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларида уй-жой қуриш Конституциямиз, Фуқаро-лик, Шаҳарсозлик, Уй-жой кодекслари, «Ипотека тўғ-рисида»-ги Қонун, Ўзбе-кистон Республикаси Пре-зиденти Фармон ва Қарор-лари, шунингдек, бошқа қонуноти ҳужжатлари би-лан мустаҳкамланган. Бу-сусий мулк ҳуқуқи, мулкдор-

нинг уй-жойга, у қурилган ер участкаси билан бирга эгаллик қилиш, мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи Фуқаролик кодексининг тегишли мод-даларида акс этган. Муҳи-ми шуки, қишлоқ аҳолиси-га намунавий лойиҳалар асо-сидаги яқка тартибда уй қуриш учун ер участкалари бепул, мерос қилиб қолди-риш ҳуқуқи билан берила-ди. Бир уй учун 0,06 гектар ер ажратилиши бизнинг ер ресурслари чекланган ша-роитимизда ниятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Солиқ кодексида қишлоқ жойларида намуналий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар эгаларини даро-мад солиғига тортишда қат-тор имтиёз ва преферен-циялар кўзда тутилган. Ма-салан, жисмоний шахслар-нинг қишлоқ жойларида на-мунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой учун олган ипотека кредитлари-ни ҳамда улар бўйича ҳи-собланган фoизларни қол-ромадларига солиқ солин-майди. Шунингдек, пудрат-ий ташкилотлар, қурилиш материалларини ишлаб чи-қарувчи корхоналар қишлоқ жойларидаги уй-жой қури-лишида иштирок этса, улар солиқнинг барча турлари-дан ҳамда давлат фондла-рига мажбурий ўтказмалар-дан, четдан олиб келина-диган техника ва кичик ме-ханизация воситаларига божхона тўловларидан ҳам озод этилади.

Президентимизнинг «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлан-тириш чора-тадбирлари тўғ-рисида»-ги Қарори уй-жой қурилишини ривожланти-риш, аиникса, кичик шаҳар-чаларда ва қишлоқ жойла-

ладан, соғлиқни сақлаш ти-зимини янада ислоҳ қи-лиш, таълимни замон та-лабларига мос даражада ривожлантириш ишлари тизимли асосда давом эт-тирилмоқда.

Шунингдек, 2012 йилда Молия вазирлиги ҳузури-даги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари прогнозга нисбатан 100,9 фоизга ба-жарилган. Харажатлар миқдори прогнозга нисба-тан 99,9 фоизни ташкил этган. 2013 йилнинг би-ринчи чорагида ҳам жамғ-арма даромадлари ва ха-ражатлари самарадорлиги таъминланди.

— Ижтимоий соҳа ва аҳо-лини ижтимоий қўллаб-қув-ватлашга Давлат бюдже-тидан ажратилган маблағ-ларнинг мақсадли сарфла-ниши, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда иш билан таъминлашга кў-маклашувчи Давлат жам-ғармаси даромадларининг шаклланиши ва сарф эти-лиши масалалари фракци-ямиз эътиборида бўлди, — дейди **Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Уллубек Ҳожибеков**. — Таъ-кидлаш жоизки, фракция-миз ҳамда халқ депутатла-ри маҳаллий Кенгашлари-даги партиямиз депутатлик гуруҳлари ижтимоий йў-налтирилган давлат дастур-лари ижроси бўйича тизим-ли ўрганиш ишларини олиб бориб, мутасадди идора-ташкilotларга дастурлар самарадорлигини ошириш-га қаратилган аниқ тақлиф-лар киритилмоқда.

Фракция муҳокамасида Давлат бюджети ижросини таъминлаш, масъулият ва жавобгарлиқни кучайтириш, шунингдек, таълим, соғлиқ-ни сақлаш соҳаларига йў-налтирилган маблағлардан самарали фойдаланиш би-лан боғлиқ масалаларни ҳу-сусида таҳлилий фикр-му-лоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон ХДП фракция-си Давлат бюджетининг 2012 йил ва 2013 йил би-ринчи чорагидаги ижросини маъқуллаб, тегишли қарор қабул қилди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ

Диққат, танлов!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Танловга «**Қадр-қимматим, таян-чим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!**» деган шiorни асосий гоё сифатида ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақ-дим этиладиган ижодий ишларда:

мамлакатимизда мустақиллик йил-ларида барча соҳаларда улкан ютуқ-ларга эришилгани, истиқлол юртимиз-да яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш-нинг асосий омили эканлиги кенг очиб берилган;

халқимиз ўтган даврда ўзининг мус-таҳкам иродаси, қатъият ва матона-ти, истиқлол гоёларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муно-сиб ҳурмат-эътибор қозонгани чуқур таҳлиллар орқали кўрсатилган;

тараққиётнинг ўзбек модели мам-лакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайт-да энг тўғри, энг оқилона йўл сифа-тида танлангани, «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган олижаноб даъват истиқлол йиллари-да эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратилган;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, қўнча урф-одат ва аъёналаримизнинг қайта тиклангани, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган соғлом ва баркамол ав-лодни вояга етказиш, хотин-қизлар-нинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъмин-лаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфу-зини ошириш, мамлакатимизда амал-га оширилаётган бунёдкорликлар, қишлоқ аҳлига муносиб турмуш ша-роитини яратиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар ўз аксини топган;

халқимизнинг онгу тафаккури, дунё-қараши бутунлай ўзгариб, дахлдор-лик туйғуси, ўз кучи ва имкониятла-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижо-дий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси.

Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

Ҳуқуқий тарғибот

ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА



Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш борасида кўп-кўп қонун ҳужжат-ларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексида ва Оила кодексига оила институтини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар ки-ритилаётгани, хусусан, болани фар-зандликка олиш бўйича янги инсти-тут жорий этилаётгани демократик та-моийларнинг янада мустаҳкамлана-ётганини кўрсатади.

Таъкидлаш керакки, Оила кодекси-нинг 151-моддасида белгиланган тар-тибга бinoан, фарзандликка олиш бо-лани фарзандликка олишни истам-ган шахсларнинг аризасига боиноан ҳа-мда вазийлик ва ҳомийлик органининг та-всисига кўра, туман ёки шаҳар ҳоки-мининг қарори билан амалга ошири-лар эди.

Болаларни фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни қўриб чиқишда кўпинча ҳокимларнинг фарзандликка олувчилар билан шахсан учрашмаган ҳолда қарор қабул қилишлари ва улар ҳақида вазийлик ва ҳомийлик органи-лар тайёрлаган материаллар бўйича сирдан тасаввурга эга бўлган ҳолда ҳулоса чиқариши бу борада муаммо-лар келиб чиқишига сабаб бўларди.

Оила кодексига мувофиқ, фарзанд-ликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади. Фуқаролик ҳолати да-лолатномаларини қайд этиш дафтарид-аги ва бошқа ҳужжатлардаги фарзанд-ликка олувчилар фарзандликка олин-ганларнинг ота-онаси эмаслигини бил-дирадиган маъмулдаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирма-

рига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётгани, юртимиздаги миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, Ўзе-кистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатининг миллий манфаатларга жавоб берадиган стра-тегик устувор йўналишлари, «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ижобий самаралари ифодаланган бўлиши зарур.

«Энг улуг, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ❖ ёзувчи ва шоирларнинг бади-ий асарлари;
- ❖ босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- ❖ телевидение ва радио ижод-корларининг материаллари;
- ❖ тасвирий санъат, фото асар-лари ва дизайн ишлари;
- ❖ кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фoлияти тўғрисида қисқача маълу-мот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғла-ниш телефонлари.

Танловга 2012 йилнинг 1 августи-дан 2013 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашр-ларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, на-моийш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йил-нинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мус-тақиллигининг йигирма икки йиллик байрами арафасида мукофотлана-дилар ва уларнинг рўйхати матбуот-да эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижо-дий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси.

Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

Ҳуқуқий тарғибот

ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА



Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш борасида кўп-кўп қонун ҳужжат-ларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексида ва Оила кодексига оила институтини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар ки-ритилаётгани, хусусан, болани фар-зандликка олиш бўйича янги инсти-тут жорий этилаётгани демократик та-моийларнинг янада мустаҳкамлана-ётганини кўрсатади.

Таъкидлаш керакки, Оила кодекси-нинг 151-моддасида белгиланган тар-тибга бinoан, фарзандликка олиш бо-лани фарзандликка олишни истам-ган шахсларнинг аризасига боиноан ҳа-мда вазийлик ва ҳомийлик органининг та-всисига кўра, туман ёки шаҳар ҳоки-мининг қарори билан амалга ошири-лар эди.

Болаларни фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни қўриб чиқишда кўпинча ҳокимларнинг фарзандликка олувчилар билан шахсан учрашмаган ҳолда қарор қабул қилишлари ва улар ҳақида вазийлик ва ҳомийлик органи-лар тайёрлаган материаллар бўйича сирдан тасаввурга эга бўлган ҳолда ҳулоса чиқариши бу борада муаммо-лар келиб чиқишига сабаб бўларди.

Оила кодексига мувофиқ, фарзанд-ликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади. Фуқаролик ҳолати да-лолатномаларини қайд этиш дафтарид-аги ва бошқа ҳужжатлардаги фарзанд-ликка олувчилар фарзандликка олин-ганларнинг ота-онаси эмаслигини бил-дирадиган маъмулдаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирма-

Наиба ЯДИГАРОВА,
Наманган вилоят адлия бoшқармаси
тарғибот ва ҳуқуқий маърифат
бўлими етакчи мутахассиси.



ОБОД ТОШКЕНТИНИНГ ОБОД МАҲАЛЛАЛАРИ

Мутахассис сифатидаги фикрларидан кейин ҳамсухбатим яна бир гап айтди:

— Биласизми, бу лойиҳаларни халқ бир тан бир жон бўлиб амалга оширяпти. Унда давлат ташкилоти билан бир қаторда жамоат ташкилотларининг, маҳалланинг иштироки бор. Ҳатто оддий фуқаролар ҳам бу ишга ҳисса қўшишга интиляпти.

Сухбатдошим бунинг сабабини ҳам айтди. Фақат бу ҳақда сал кейинроқ, чирой очаётган Тошкент маҳаллаларини айланганимиздан кейин айтсак ўринли бўлар.

Бир нарсга — иш суръатига ҳайрон қолмай иложингиз йўқ. Бу курилишлар дебочаси — Президентимизнинг «Обод турмуш йили Давлат дастури тўғрисида»ги қарори 2013 йил 14 февралда қабул қилинган эди. Унинг асосида Тошкент шаҳар ҳокимининг бир неча қарори қабул қилинди. Мана, қисқа муддат ичида бу Дастурнинг ҳаётдаги ижроси-ни кўряпти.

ҲАММАСИ ҲАВАСДАН БОШЛАНАДИ

Шайхонтоҳур тумани, Оқилон маҳалласида бунёд этилаётган болалар ўйин ва спорт майдончалари Шероий кўчасида, шундоқ марказий йўл ёқасида жойлашган. Ушбу иншоотларни барпо этаётган Абдушукр Атаматовни курилиш бошида учратдик. Иншоотлар деярли битган, айримларида сўнгги пардозлаш ишлари кетяпти. Тадбиркорга Дастур ижроси асосида ажратилган 30 сотик майдоннинг энг ичкарасида кичик ёшдаги болалар ўйин майдончасида аргимчок, турник, кўприкча каби турли шишқипукта қурилмалар ўрнатилиб, қувноқ рангларга бўялган.

— Мана бу жойга эса тегишли корхонага ўйин мосламаларига буюртма бердик, тез кунда тайёр бўлади, — изоҳ беради Абдушукр.

Болалар ўйин майдончасига ёндош қилиб, думалоқ ҳовузли фаввора қурилган, атрофида айлана шаклида пастаккина, ўтиришга қўлай скамейкалар ўрнатилган.

— Ота-оналар фарзандларини ўйинга қўйиб юбориб, бемалол хордик чиқаришлари мумкин. Бу ерда салқин ичимликлар, музқаймоқ сотиладиган шохобчалар ҳам қурилган, изоҳ беради ҳамсухбатим.

Мини-футбол майдончаси тўғрисида Абдушукр алоҳида ифтихор билан гапирди.

— Маҳалламизда катта ютуқларни қўлга киритган спортчи болалар бор, барини таниман, — дейди у. — Мен қурган мини-футбол майдончаси эса спортга меҳр қўйган болаларнинг сони янада ошишига ҳисса қўшишга ишонаман.

Абдушукр бу орузси амалга ошиши учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилляпти. Мини-футбол майдончаси ёнида кийиниш ва ўйиниш хоналарини ҳам қуриб қўйган. Гир атрофдаги йўللарга янгидан асфальт ётқизилди. Тез орада эса очик ва ёпиқ сузиш хавзалари қурилиши бошланади.

Мини-футбол майдончаси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ана шу йўл чеккасидаги улкан кўтарма кран ёрдамида қурилиш ашёлари тепага, кўп қаватли уйнинг тўртинчи қаватига ўрнатилган ҳавозада ишлаётган қурувчиларга етказилляпти.

Бу ердаги кўп қаватли турар жойлар фасадини таъмирлаш ишлари кетаётган экан. Турар жойларнинг деворлари алюмин билан қопланяпти, балконларга пластик деразалар ўрнатилляпти. Ҳаммаси ҳомийлар ҳисобидан.

— Обод турмуш йилида халқимизнинг турмуш фаро-

масига кирдик. Кетишга ҳоҳлангани, машинасини ўт олдираётган ҳайдовчи биринчи суҳбатдошимиз бўлди.

— Мана бу уйда яқин қариндошимиз яшайди, — қўли билан ишора қилади у. — Олдинлари меҳмонга келганимизда машинани қаёққа қўйишни билмай жоним ҳалак эди. Тинч ўтиролмай, болалар тегиб қўймадимикан, деб дам-дам деразадан мўралаб ўтирдим. Бу автотураргоҳ янги қурилибди, қўриқлар ҳам экан. Эшитишимча, бундай автотураргоҳлар барча

она қўшни аёллар суҳбатига қўйилади. Атрофда болаларнинг шўх-шодон овозлари авжга чиқади. Бир сўз билан айтганда тинч, фаровон юртининг ёз оқшоми манзараси.

Тўғриси айтганда атиги икки ой олдин бу манзарага болалар ўйин майдончаси етишмасди. Ҳозир Шаҳриобод маҳалласининг ҳар бир ўйи олдида ана шундай майдонча бор. Бундай майдончалар «Намунавий маҳалла» дастури асосида босқичма-босқич барча маҳаллаларда бунёд этилади.

Шаҳриобод маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шукрулло Жўраев бу ерда қурилаётган навбатдаги автотураргоҳ билан таништирар экан, олдин бу ўринда 150 дан ошқ темир гараж бўлганини айтади.

— Қурилиши яқунланаётган мана бу автотураргоҳда эса бирийўла 250 автомашинани сақлаш мумкин, — дейди у.

Дарвоқе, Тошкент шаҳар ҳокимининг тегишли қарори ижроси юзасидан шу кунгача пойтахтимиз ҳуснига доғ бўлиб турган етти мингдан зиёд гаражлар олиб ташланди. Уларнинг ўрнида юзга яқин замонавий автотураргоҳлар барпо этилди ва бу борадаги ишлар давом этапти.

Пойтахт бўйлаб саёҳатимиз давомида бир нарсга эътибор бердик — қаерга бормайлик, қурувчилар билан бир қаторда маҳалла фаоллари, маҳалла аҳлини учратиш мумкин эди.

— Қилинаётган бу ишлар аввало бизнинг, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Шундай ҳайоли ишлардан чеккада туришни истамаймиз, — дейишади улар.

Мана, мақолаимиз бошида айтишни орқага сурган сабабни ҳам баён қилдик. Ҳа, эл фаровонлиги йўлида Юртбошимиз, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ҳар бир иш энг аввало эл орасида аксадо берапти. Бу акс садо одамларни ана шу бунёдкорлик ишларини амалга ошираётганлар сафида бўлишга ундапти.

Ҳамза туманидаги Тараққиёт кўчасида қурилган футбол майдонида янги ташкил этилган «Обод» футбол жамоаси тўп суряпти. Юнусобод туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласидаги мини-футбол майдонида эса туман ҳокимлиги ташаббуси билан болалар ўртасида мусобақа кетаяпти... Пойтахтимизнинг кўплаб маҳаллаларида ана шундай манзараларни кўриш мумкин.

Бир қарашда кундалик воқеага айланган ана шу тадбирлар Ватанимизнинг буюк келажига асос солаётганига амин бўласиз. Бу ҳайрли ишларга сиз ҳам ҳисса қўшишга ҳаракат қилинг. Ҳеч бўлмаса мана шу яратилган имкониятларни қўз қорачиғидек асранг, ҳеч бўлмаса, уйингиз атрофини, маҳаллангизни озода сақланг, ҳеч бўлмаса бир туп дарахт экинг, бугунги кунларимизга шукроналик билан яшанг, огоҳ бўлиб яшанг, тинчликни асранг.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Хориж

ИШ ҲАҚИНИНГ

РЕКОРД ДАРАЖАДА КАМАЙГАНИ

Буюк Британия Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти томонидан тайёрланган маърузада алоҳида қайд этилди.

Иш ҳақларининг қисқариши ўртача 6 фоизни ташкил қилмоқда. Бу мамлакатнинг янги тарихида ҳали кузатилмаган воқеликдир.

Институт мутахассисларининг айтишларича, кейинги юз йилда мамлакатда иш ҳақлари йилга ўртача 2 фоиздан ошиб боради. Аммо 2008 йилдан кейин эса...

Ҳозир айрим ишчи-ходимлар аввалги йилларга нисбатан 15 фоиз кам маош олмақда. 1930, 1980 ва 1990 йилларда ҳам иш ҳақлари қисқартирилган, аммо ҳозирги даражада эмас.

Шу кунларда саноат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам пассивлашган расмий статистикада қайд этилган. Завод-фабрикаларда ишлаб чиқариш 2007 йилдаги кўрсаткичга нисбатан ўртача 10 фоизга камайган.

Кейинги 5 йилда Буюк Британия иккита инкнрози бошидан ўтказди: 2008-2009 йилларда юз



берган жаҳон молиявий-иқтисодий инкнрози даврида мамлакат ялли ички маҳсулотни қаторасига бешта чоракда ҳам пассивлашган. 2011 йил охири ва 2012 йилда эса учта чоракда қаторасига ялли ички маҳсулотнинг пасайиши кузатилган. 2012 йилнинг учинчи чорагидагина ўсиш суръатлари кўзга ташланган.

АВТОТРАССАЛАР

АТРОФИДА ЯШАШ ХАВФЛИ

АҚШлик олимлар тадқиқотлари натижалари яқинда «Journal of Epidemiology and Community Health» журналида чоп этилди.

Унда қайд этилишича, йирик автотрассалар атрофида яшаш буирак фаолиятига салбий таъсир қиларкан, инфаркт ва инсультга чалинишни тезлатаркан.

Тадқиқот муаллифлари 1999-2004 йиллар оралиғида инфаркт ва инсультга чалиниб, Бостон ва Массачусетс госпиталларида ётқизилган 1,1 мингдан ортиқ катта ёшдаги кишилар ҳаётини ўрганган. Уларнинг ярмидан кўпи катта автотрассалардан 1 километр узоқликда яшаган бўлса, қолганлари 10 километргача узоқликда истиқомат қилган.



Мазкур автотрассалардаги шовқинлардан ташқари, автомобиллар тутунидан ҳавонинг бузулиши, турли касалликлар пайдо бўлишига асосий сабабчи экан.

ЎРМОН ЁНГИНЛАРИ САБАБЛИ

ҚАМОҚҲОНА КЎЧИРИЛДИ

АҚШлик олимлар тадқиқотлари натижалари яқинда «Journal of Epidemiology and Community Health» журналида чоп этилди.

Американинг Колорадо штатида ҳажига минган ўрмон ёнгинлари Колорадо-Спрингс шаҳри яқинида жойлашган 900 кишилик қамоқхона маҳбусларини хавфсиз жойга қўчиришга мажбур этди, дея хабар беради «Associated Press» АА.

Икки кундаёқ ўрмон ёнгинлари одамларнинг яшаш жойларига етиб келиб, 60 дан ортиқ бинони ўз домига тортиди. Шу боис яқин атрофдаги 6400 киши уйлари ташлаб, хавфсиз жойга қўчиришга тўғри келди.

Утган йили ҳам Колорадо штати айнав ўрмон ёнгинлари қўчайгани боис табиий офат ҳудуди, дея эълон қилинганди. Ўшанда



Колорадо-Спрингс шаҳри яқинида Вальдо-Канон ўрмонларида юзга келган ёнгин штат тарихидаги энг кучли ёнгин, деб тан олинган ва у 2 кишининг умрига зомин бўлгани ҳолда, 350 дан ортиқ уйнинг қулини қўққа совурганди.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ

2013 йилда реконструкция қилиниши ва мукаммал таъмирланиши режалаштирилган қуйдаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚС сиз	ҚҚС билан	
Лот-1	Самарқанд шаҳар, Жомий кўчасидаги 1-сон давлат нотариал идорасини 2-қавати қурилиши билан реконструкция қилиш.	437 410 376 сўм	524 892 451 сўм	5 ой
Лот-2	Самарқанд шаҳридаги 2-сон ФХД бўлим биносини мукаммал таъмирлаш.	107 907 971 сўм	129 489 566 сўм	4 ой

Қурилиш ишлари Адлия вазирлиги маблаглари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси: Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 12-уй, тел.: (8366) 233-13-59.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан «Лот-2. Самарқанд шаҳридаги 2-сон ФХД бўлим биносини мукаммал таъмирлаш» объекти бўйича пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйдаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметни қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағнинг мажбурияти ёки қўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш база-

лари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, қўшма маълумат ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйдаги нарх преференциялари эътиборга олинади: конун ҳужжатларига мувофиқ импорт қиувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг

танлов тақлифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйдаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.

Тел. 231-13-51, факс: 233-32-00. Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйдаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 12-уй, Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси биносидан соат 10-00да ўтказилади.

Реклама

«TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ РИЭЛТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

Аукцион савдоларига, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2012 йил 2 ноябрдаги 10-1207/18757-сонли иш бўйича қарорига асосан банкрот деб топишган, тугатилаётган «SANAR» хусусий корхонасининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Мойқўрғон кўчасида жойлашган қуйдаги қўчмас мулк объектлари 10 фоизга арзонлаштирилган нархда қайта қўйилади:

1. Умумий майдони 5000 м² бўлган ер участкасидаги қурилиши тугалланган 8 қаватли турар жой биноси.

Бошланғич нархи: 1 253 700 000,0 (бир миллиард икки юз эллик уч миллион етти юз минг) сўм;

2. Ҳажми 800 м³ бўлган, қурилиш котлованидан қазилган тупроқ.

Бошланғич нархи: 7 200 000,0 (етти миллион икки юз минг) сўм.

Аукцион савдоларида белгиланган талабларга риоя этган барча юридик ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норе-зидентлари қатнашишлари мумкин. Аукцион савдолари 2013 йил 4 ва 11 июль кунлари соат 16-00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хонада (Мақсислар заллида) ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ўтказилиш

санасига қадар, Савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат пули тўғрисидаги келишувга асосан, бошланғич нархнинг 10 (ўн) фоизидан кам бўлган миқдордаги закатат пулини «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА: 00425, СТИР: 207142288, 20208000204955218001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Талабгорлардан буюртманомалар, тўлов ҳужжатлари, шахсни тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш, расмий иш кунларида ва вақтларида савдо ташкилотчисининг қуйида кўрсатилган манзилида, мазкур эълон чиққан кундан бошланади ҳамда аукцион савдоси ўтказилиши кундан бир кун аввал соат 17-00да тўхта-тилади.

Савдо ғолибига, савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб, 20 кун муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш, тўланган закатат пули

миқдори объект сотилиш нархининг 10 (ўн) фоизидан камини ташкил этса, олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар етишмаётган суммани закатат пули тўланган ҳисоб рақамига тўлаш мажбуриятлари юклатилади.

Ушбу қўчмас мулк объектларини ҳарид этишга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг тавсифи, ҳақиқий ҳолати, жойлашган жойи ва мўлжали ҳамда аукцион савдосини ўтказиш тартиб-қоидалари билан сотувчи ва савдо ташкилотчисининг қуйида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб ёки алоқа воситалари орқали танишишлари мумкин.

Сотувчи: «SANAR» ХК тугатув бошқарувчиси Ирина Петровна Палванова.

Юридик манзили: Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 402-хона.

Алоқа воситалари: телефон: 351-28-14.

Савдо ташкилотчиси: «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риэлторлик ташкилоти.

Юридик манзили: Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.

Алоқа воситалари: телефон: 233-20-13;

расмий веб сайти: TPI.uz
Лицензия № RR-0109.

СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ — МУСТАХКАМ ОИЛА

Спорт орқали ҳаётда ўз бахтини топган ва топаётган ёш ошлар кўп. Бу спорт ёшлар ҳаётига тобора чуқур кириб бораётгани, жисмоний ва маънавий камолот сингари муштарак тушунчалар кундалик ҳаётимиз асосига айланишининг амалдаги ифодаларидандир.

Халқаро майдонларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ётачки спортчилар доимо эл-юрт ардоғида. Шу боис уларнинг ҳаёти, оиласи, фарзандлари, турмуш тарзи кўпчиликнинг эътиборини тортади, муҳлисларда катта қизиқиш уйғотади. Чунки улар ёш авлодга ҳар жиҳатдан ўрнақдир.

Эзгу ниятлар билан оила риштасини боғлаган боксчи Дилшод Маҳмудов ва стол теннисчи устаси Саида Бурхонжўзева бугун олти ёшли Билал ва тўрт ёшли Робияни тарбиялашмоқда.

— Биз спорт орқали бахтимизни топдик, — дейди бокс бўйича жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори Дилшод Маҳмудов. — Саида билан 2002 йили Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтган Осиё ўйинларида танишганимиз. Ўша мусобақа мен учун ҳар томонлама омадли бўлган: боксчи сифатида терма жамоамиз ҳисобига олтин медал қўшим ва бўлажак умр йўлдошимнинг меҳрини, эътиборини қозондим.

...Саккиз ёшдан стол теннис билан шуғулланиб келаётган Саида ҳам спортчи си-

фатида ўз иқтидорини эрта намойён этган. У халқаро майдондаги дастлабки совринини 1998 йилда Москва шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларида қўлга киришти, бронза медал билан тақдирланган эди.

Маҳоратини йил сайин ошириб борган Саида бугун энг кўп совринга эга теннисчиларимиздан. У Бухорода ва Самарқандда ўтган Универсиадаларда голибаси ва кетма-кет икки марта ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлди. Сиена шаҳрининг «Либертас Сиена» жамоаси таркибига Италия чемпионатининг олтин медалларини қўлга киритди. Кўп мартада Ўзбекистон чемпионлигига сазовор бўлди. Ўндан зиёд давлатда ўтган халқаро турнирларда шохсу-пага кўтарилиди.

Президентимиз Ислам Каримов спорт инсон ҳаётида, оила мустаҳкамлигида муҳим ўрин тутгани, жисмоний ва маънавий баркамолликка эришишда, ёшларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида катта аҳамият касб этишини таъкидлайди. Чунки спорт орқали



Суратда: боксчи Дилшод Маҳмудов ва стол теннисчи устаси Саида Бурхонжўзева бугун олти ёшли Билал ва тўрт ёшли Робияни тарбиялашмоқда.

ёшларнинг дунёқараши шаклланади, уларда меҳр-оқибат, ахиллик ва масъулият туйғуси кучаяди. Буларнинг барчаси оилани мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муҳим фазилатлардандир.

Инсон феъл-атворида энг яхши хислатлар, дунёқарашини белгиладиган мезонлар, аввало, оила бағрида куртак ёзади. Оиласида болалиқдан спорт билан шуғулланишга ўрганган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади. Хар

бир ўғил-қизнинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши, иқтидорининг шаклланиши, нимага қизиқиши оиладаги тарбия билан чамбарчас боғлиқ.

Дилшод Маҳмудов оиласида ҳам жисмоний тарбия ва спорт фарзанд тарбиясининг муҳим мезони ҳисобланади. Оиланинг тўнғич фарзанди Билал бир ярим йилдан буён «Пахтакор» футбол мактабида машғулотларда қатнашмоқда. Робиянинг стол теннисига

меҳр қўйишига онасининг ишончи қомил. Унга кичкина ракеткада теннис шарини сакратишни ўргатиш Саидага катта завқ бағишлайди.

— Давлатимиз раҳбари қизларимизни ёшлиқдан спортга жалб этиш масаласига янада жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди, — дейди Саида Маҳмудова. — Мен ҳам ҳаётда «Соғлом она — соғлом бола» тамойилига амал қиламан. Шунинг учун ҳам стол тенниси машғулот-

Болалар спорти

ларига кўпроқ қизларни жалб этиш ҳаракатидаман. Спорт билан шуғулланаётган қизларнинг ҳаммаси ҳам келажақда чемпион бўлмаслиги мумкин. Лекин уларнинг қадди-қомати расо, жисмонан соғлом, руҳи тетик бўлиб вояга етиши меннинг мураббий сифатида энг муҳим ютуғим бўлади.

С.Маҳмудова терма жамоамиз таркибига нуфузли мусобақаларга қатнашиш билан бирга, олти йилдан буён пойтахтимиздаги 19-умумтаълим мактабида ташкил этилган тўғарақда қирқ нафардан зиёд ўғил-қизга стол тенниси сирларини ўргатмоқда.

Унинг шогирдларидан Фароғат Азизжўзева, Мохина Эъзозова, Ислам Султонов ва Амир Тохиржонов каби истеъдодли спортчилар мамлакатимиз биринчиликларида, хорижда ўтказилган қатор халқаро турнирларда зафар қучди.

Дилшод Маҳмудов пойтахтимиздаги 8-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари бокс мактабида мураббийлик қилмоқда, йиллар давомида тўплаган бой тажрибаси, билим ва маҳоратини ёш спортчиларга ўргатмоқда.

Спортда катта ютуқларга эришган Саида ва Дилшод энди ўз фарзандлари, шогирдларини соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлида хизмат қилмоқда. Зеро, соғлом авлодни вояга етказиш ҳар бир ота-она, устоз ва мулозимлигини таъкидлайди, — дейди Саида Маҳмудова. — Мен ҳам ҳаётда «Соғлом она — соғлом бола» тамойилига амал қиламан. Шунинг учун ҳам стол тенниси машғулот-

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Футбол

ФАҚАТ ҒАЛАБА КЕРАК!

Бугун келаси йили Бразилияда бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионати финал босқичининг яна учта иштирокчиси номи маълум бўлади.

Осиё минтақаси саралаш босқичининг охириги тур ўйинлари ўтказилади. Мусобақанинг «А» гуруҳида тўп сураётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси сўнгги учрашувда Тошкентда Қатар футболчиларига қарши майдонга тушади.

Бугунгача ўтган ўйинлар якуни шунини кўрсатиб турибдики, гуруҳда бир мунча чигал вазият юзага келган. Мусобақа низомига қўра, дастлабки икки погонани банд этган жамоалар Бразилияга тўғридан-тўғри йўл олса, учинчи ўрин соҳиби «Плей-офф» баҳсларида иштирок этади. Ҳозирча икки йўлланмага бир йўла учта жамоа — Жанубий Корея, Эрон ва Ўзбекистон футболчилари даъвогарлик қилишмоқда.

Бугун бўладиган ўйинларда Жанубий Корея вакиллари ўз майдонида эронликларни қабул қилади. Ҳамюртларимиз Тошкентда кейинги босқич баҳсларидан аллақачон умидини узган Қатар терма жамоаси билан куч синашади. Жанубий корейликларни дуранг натижа ҳам қаноатлантиради. Агар улар эронликларни мағлубиятга учратишса, Ўзбекистон терма жамоаси рақибини енгиб, тўғридан-тўғри жаҳон чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритиши мумкин. Бу жуфтлик ўртасида қайд этиладиган қолган ҳар қандай натижа футболчиларимиздан қатарликларни фақат йирик (6:0) ҳисобда мағлуб этишини талаб қилади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон — Қатар терма жамоалари учрашуви бугун пойтахтимиздаги «Бунёдкор» стадионида соат 17.00 да бошланади. Ўйинни австралиялик ФИФА рефериси Питер Грин бошчилигидаги ҳакамлар гуруҳи бошқариб боради.

Эркин ХОЛБОБО

Баркамол авлод орзуси

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИ

Ўзига мос иш ўрнини топади

Янгиер педагогика касб-ҳунар коллежиди бу борада катта тажриба тўплаган.

Таълим даргоҳида учта ўқув-лаборатория хонаси бор, 41 та замонавий компьютер Ziyonet тармоғига уланган. Ахборот-ресурс марказида 14 мингдан ортиқ китоб, 50 га яқин газета ва журнал таҳламли, 100 ўринли ўқув зали, газета-журналлар ўқиш ва компьютердан фойдаланиш хоналари бор.

Чет тили компьютерлаштирилган лингафон хонасида замонавий дастурлар, мультимедиа ва слайдлардан фойдаланилган ҳолда ўқитилади. Коллежнинг веб-сайти ишга туширилган. Унда таълим даргоҳига оид барча зарур маълумотлар, 920 та дарсликнинг электрон варианты, маърузалар матни, услубий қўлланмалар ўрин олган.

Спорт зали ва 4 та очик майдон спортчи-ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Қўллаб-қувватлаш бўлими турлари бўйича тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда. Коллеж ўқувчиларидан Ислам Қурбонназаров спортнинг тазквондо (ITF) тури бўйича Ўзбекистон биринчилигида фахрли 3-ўринни эгаллаган бўлса, Феруза Ўралова тазквондо бўйича спорт устаси талабини бажарган. Жаҳоҳир Комилов эса «Насаф» футбол клубида ўйнайди.

— Ёшларимизни мустақил ҳаётга тайёрлаш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади, — дейди коллеж директори Сирожиiddин МУХАММЕДОВ. — Шу боисдан шогирдларимизга бугунги кун талабларидан ке-

либ чиқиб, билим ўргатиб бора-ямиз.

Дарҳақиқат, бу ерда мусиқа ходими, ихтисослаштирилган ва бошланғич таълим муассасалари тарбиячиси, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар, жисмоний тарбия ва болалар спорти, мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи, реклама бўйича мутахассис, компьютер ва компьютер тизимларини сошлаш ва таъмирлаш техникаси, саратрошлик ва декоратив косметика устаси касблари бўйича 1300 нафардан зиёд ўқувчи 70 нафарга яқин малакали ўқитувчи таълим-тарбия бериб келмоқда.

Коллеж Гулистон давлат университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда вилоятнинг кўпгина ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган. Шу боис ўтган ўқув йилида 438 нафар битирувчидан 408 нафари мутахассислиги бўйича ишга жойлашди. Қолган 30 нафари эса олий ўқув юртларида тахсилни давом эттирмоқда.

Навбатдаги ўқув йили битирувчилари учун ҳам иш ўринлари тайёр. Аввало уч томонлама шартнома, қолаверса, ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари натижасида битирувчилар ўзига мос иш ўринларини белгилаб олган.

Абдусалим МАХМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Moody's Investors Service

халқаро рейтинг агентлиги

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият
миллий банкининг

кредит рейтингларини

ТАСДИҚЛАДИ.

Миллий валютадаги депозитлар рейтинги B1
Хорижий валютадаги депозитлар рейтинги B2

Рейтинглар истиқболи:

«Барқарор»

Ватанимиз равнақи йўлида сиз билан бирга!

www.nbu.com

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla Oripov	Murodilla Abdullayev	Saidahmad Rahimov
Hotamjon Ketmonov	Ulug'bek Mustafoyev	Farruh Hamroyev
Ulug'bek Vafoyev	Muslihidin	(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Rustam Kamilov	Muhiddinov	Tat'yana Kistanova
Sharbat Abdullayeva	Ochilboy Ramatov	(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoaatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 646 Nashr ko'rsatkichi — 220

16158 t — Tijorat materiallari

nuxxada bosildi. O'za yakuni — 21.15

Topshirilgan vaqti — 23.45

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 5